# Qishloq hayoti

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 20-NOYABR, SESHANBA, 136 (8061)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Бободеҳқонлар орасида "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деган ҳикматли сўз юради. Хўжалик аъзолари ана шу иборага амал қилиб, кузда шудгорланадиган 96,5 гектар экин майдонининг қарийб 70 фоизини ҳайдаб бўлишди.



"1000 та суннат ва 1000 та никоҳ тўйлари" хайрия акцияси шаҳар ва қишлоқлардаги эҳтиёжманд оилалар, Меҳрибонлик уйида тарбияланган йигит-қизлар ҳаётида унутилмас воқеага айланди. Ана шундай тадбирлардан бири Янгийўл туманидаги "Фаровон" тўйхонасида бўлиб ўтди.



Супрефос минерал ўғити сувда эрувчан, юқори самарали азот-фосфорли ўғит бўлиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида тупроқ унумдорлигини оширишда, тупроқни ҳимоялашда ҳамда уй ва балкон шароитидаги гулчиликда самарали восита сифатида ишлатиш мумкин.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги, мамлакатимизда корейс миллати вакиллари истиқомат қилаётганининг 75 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзуида тантанали кеча бўлиб ўтди.

► **Словениянинг Марибор шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбек ўғлони Нодирбек Абдусатторов жаҳон чемпиони бўлди. У ўн бир партиядан тўққизтасида ғалаба ва иккитасида дурангга эришиб, 10 очко билан биринчи ўринни эгаллади.**

► Кармана туманида «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Йил аёли – 2012" миллий танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда Зарафшон шаҳридаги "Наргиза" хусусий корхонаси раҳбари Наргиза Зарипова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.




**Қашқадарё вилоятидаги Муборак газни қайта ишлаш заводида янги барпо этилган мажмуа, яъни табиий газдан пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси бир йилда 12 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқаради.**

Мажмуа таркибида компрессор станцияси, газни цеолит ёрдамида қуритиш ва пропан-бутан олиш қурилмалари мавжуд. Бутун жараён марказий бошқарув-операторлик хонасидан компьютерлар орқали бошқарилади.

Мажмуани бунёд этишда «Нефтгазмонтаж», «Муборакнефтгазмонтаж», «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш», «Бухорогазсаноатқурилиш», «Тошкентнефтгазқурилиш» акциядорлик жамиятлари жамоалари фаол иштирок этди. Мажмуада бошқарув тизимини компьютер дастурлари билан таъминлаш, ускуналарни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

**СУРАТДА:** *Муборак газни қайта ишлаш заводи электрончи-муҳандислари Акмал Шеров ва Ёркин Оралов.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЯНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ БОСҚИЧИ

**Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси тугатилиб, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашлари ташкил этилмоқда. Куни кеча ҳудудларда Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциялари бўлиб ўтди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар қилади.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгашининг устави тасдиқланиб, кенгаш аъзолари сайланди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Тахтакўпир туманидаги "Тайимбет" фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар кенгаши раиси этиб сайланди.

– Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимизда аграр секторни ривожлантириш, халқимиз ҳаёти фаровонлигини таъминлашда фермер хўжаликларининг ролини яна ҳам ошириш назарда тутилган, – дейди Чимбой туманидаги "Узоқберган ота" фермер хўжалиги раҳбари Буркитбой Узоқбергенов. – Ташкил этилаётган кенгашлар фермер хўжаликларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши биз фермерларга кўрсатилаётган имконият, деб биламиз.

Конференцияда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев сўзга чиқди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ** Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида таъкидланганидек, Президентимиз 2011 йил 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Андижонда бўлиб, фермерлар билан ўтказган мулоқотлари чоғида аграр соҳадаги ислоҳотлар давомийлиги ҳақида сўз очиб, фермерларнинг ўзини ўзини бошқариш органи бўлмиш Кенгашлар ташкил этиш вақти келганлиги, унинг ваколат доирасини кенгайтириш зарурати борлигини алоҳида қайд этганди. Юртбошимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерларнинг янада ғайрат-шижоат билан ишлашларига кенг йўл очди.

(Давоми 2-саҳифада)

▼ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

## ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ




**Конституциямиз қабул қилинган кун — мустақил Ўзбекистон тараққиётида беқиёс сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик тарихий сана бўлиб қолди. Зотан, Конституция инсон, жамият манфаатларини ўзида ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқаруви шакли асосларини белгиловчи, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиши тартиби ва принципларини мустаҳкамловчи олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир.**

Асосий Қонунимиз ўзида инсон – оила – жамият – давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли, мазкур ҳужжат ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда. Жаҳонда бўлиб ўтаётган воқеалар ҳам шуни яққол тасдиқламоқдаки, агар инсон ва давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлиги бузилса, давлатда олға силжиш бўлмайди. Мамлакатимизда эса, бу масала давлатимиз раҳбарининг оқилона ва доно сиёсати туфайли «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимига эришилмоқда.

Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олийжаноб мақсадлар ўз ифодасини топган.

Асосий Қонунимиз умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган, ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг ўзаро муносабатларини, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш каби эзгу фазилатларни ўзида акс эттирган.

Конституциянинг барчамиз учун қадрли бўлиши унинг ўзига хос хусусиятларида яққол намоён бўлади. Халқимиз асрлар давомида адолатли давлат, фаровон жамият ва эркин ҳаёт қуришни орзу қилган. Конституциямиз айнан шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган. Унда халқаро, демократик андоза ва талаблар акс этади, инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган кафолатлар алоҳида ўрин тутади. Асосий Қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият, фуқаролар олдида масъул эканликлари, давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши қайд этилган, Инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади.

(Давоми 2-саҳифада)

Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқадиган ҳужжат бўлди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилди. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашлари ташкил этилмоқда.



## ФЕРМЕР – ҚИШЛОҚДА ЕТАКЧИ КУЧ

■ **Раъно ЖОНҚУВВАТОВА,**
*Ғузор туманидаги "Ферузбек Абдусамат ўғли" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши аъзоси.*

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таъсис конференциясида иштирок этдим. Унда билдирилган фикрлар, фармоннинг туб моҳиятини англар эканмиз, биз фермерларга яратилаётган шароитдан, кўрсатилаётган эътибордан бошимиз кўкка етди.

Фермерлар кенгашлари зиммасига фермер хўжаликларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, соҳага самарали технологияларни татбиқ этиш, фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш каби қатор вазифалар юклатилди. Бу мулкдорларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ер-сув ресурслари ва имкониятлардан янада оқилона фойдаланишлари учун шарт-шароит яратади.

Фаолиятимизни 2004 йили 33 гектар ерда деҳқончилик қилишдан бошлаган эдик. Ўшанда 8 нафар ишчимиз бор, техникамиз эса етарли эмасди. Ўтган даврда бизга берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Айни пайтда хўжалигимиз майдони 96 гектарга, ишчиларимизнинг умумий сони 40 нафарга етди. Ўзим фаолиятимни ме-

**Муносабат**

ханизаторликдан бошлаганман, шу боис, техникасиз ишни тасаввур қила олмайман. Хўжалигимиз даромади йилдан-йилга ошиб бормоқда. Уни, энг аввало, хўжалик моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтиряпмиз. Бугунги кунда барча зарур техникага эга бўлдик.

Президентимизнинг мазкур Фармони биз фермерларга қаратилган эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Хўжалигимизда ҳозирда кўплаб коллеж битирувчилари доимий амалиёт ўташмоқда. Келгусида яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, уларни иш билан таъминлашга эришишимиз лозим. Коллежлар билан, умуман, агрофирмалар, савдо ташкилотлари билан ҳамкорлигимизда янги ташкил этилаётган кенгашимизнинг бизга бевосита кўмаги катта бўлиши ишимизнинг янада олға боришига хизмат қилади. Бугун фермер – қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Яъни фермерлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган ҳаракатга айланиши лозим. Президентимиз Фармонида ана шулар ҳақида сўз борганлиги, унинг тарғиботи ва самараси ҳақида янги тузилаётган Фермерлар кенгашига кенг имкониятлар берилаётганлиги, албатта, ўз натижасини беради.

Айтмоқчи бўлган фикрим янги ташкил этилган Фермерлар кенгаши бизнинг янада кенгроқ фаолият юритишимизга имконият яратади. Олдимиздаги мақсадларимиз рўёбида ҳамкору ҳаммаслагимиз бўлишига ишонамиз.

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЯНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ БОСҚИЧИ

(Боши 1-саҳифада)

– Фермерлар кенгаши бизнинг янада кенгроқ фаолият юритишимизга, жамиятнинг фаоли бўлишимизга имконият яратади, – дейди Шаҳрихон туманидаги "Иномжон файз" фермер хўжалиги раҳбари Одинахон Отахонова. – 31 бош жайдари мол билан чорвачилик йўналишида фаолият бошлагандик. Бундан 4 йил аввал яратиб берилган имкониятдан фойдаланиб, Германиядан 160 бош зотли қорамол олиб келдик. Ҳозирда 550 бош зотли қорамолимиз бор. Ҳар бир соғин сигирдан кунига 30 килограммгача ёғли сут соғиб оляпмиз. Уни қайта ишлаш учун минизавод харид қилиш мақсадида Германияда хизмат сафарида бўлдик. Ўша ерда Президентимиз ташаббуси билан кенг қулоч ёзган фермерлик ҳаракатининг самараларини янада ёрқинроқ ҳис этдим. Германиялик ҳамкасбларимизнинг таъкидлашича, биз қисқа муддатда эришган натижалар учун уларда 60 йил вақт кетган экан.

– Хўжалигимизда салкам 300 гектар экин майдони бор, – дейди Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов. – Наслчилик йўналишида қорамол парвариш қиламиз. Ўзимизда қайта ишланган маҳсулотларнинг салмоқли қисми "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига етказиб берилмоқда. Бугун амин бўляпмизки, фермерликнинг имкониятлари кенг. Уни ишга солиш учун изланиш ва интилиш керак, холос. Ана шунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимида мукаммаллик юзага келади. Кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Андижон вилояти Фермерлари кенгаши ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ҳамда устави тасдиқланди. Пахтаобод туманидаги "Нур Агро" фермер хўжалиги раҳбари Рашидбек Мамадалиев вилоят фермерлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов сўзга чиқди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** "Бухоро палас" меҳмонхонасида вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди. Унда 150 нафардан ортиқ фермерлар иштирок этишди.

Бугун вилоятнинг қишлоқ ҳудудларида мавжуд ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этиб келаётган қишлоқ мулкдорлари янгидан ташкил этилган кенгашга катта умид боғлашмоқда.

Аслида ҳам шундай бўлади. Зеро, кенгашнинг вазифалари фермер хўжаликларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага самарали технологияларни жорий этиш этиб белгилангани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

– Фермерлик ҳаракатига биринчилардан бўлиб қўшилганман, – дейди Бухоро туманидаги "Арбоб Ғайбулло" фермер хўжалиги раҳбари Мустафо Файзуллаев. – Кўп тармоқли фермер хўжалигимиз ихтиёрида 2 минг гектар деҳқончилик қилинадиган ер майдони мавжуд. Ўтган йиллар давомида қўлга киритилган даромадлар ҳисобидан хўжалигимизнинг моддий-техник базасини юқори даражада мустаҳкамлашга эришдик. Яқин келажакда ҳосилдорликни ошириш ва экин ерларини кенгайтириш ҳисобидан вилоятимизда ҳосил ҳажмини ва сифатини оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада кенгаш менга қўл-қанот бўлади, деган умиддаман.

– Кенгаш раисининг айнан фермерлар орасидан сайланиши менга жуда маъқул келди, – дейди Қоракўл туманидаги "Соҳиб" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Рўзиқул Сайлихонов. – Шундай бўлгач, кенгаш раиси фермерларнинг олдида турган муаммоларни жуда яхши билади. Уларни ҳал этиш чораларини кўради. Қолаверса, кенгаш раиси фермер сифатида қишлоқ мулкдорларининг манфаатларига хизмат қиладиган янги имкониятларни ҳам тўғри талқин эта олади.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланди ва устави тасдиқланди. Вилоят Фермерлар кенгашининг раиси этиб, Бухоро туманидаги "Муҳаммад Маданият Исмат" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон Аҳмедов сайланди.

Вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Қарши шаҳридаги "Ўзгеобурғунефтгаз" давлат акциядорлик компаниясининг мажлислар залида Қашқадарё фермерлари Кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди. Унда 142 нафар фермер иштирок этди.

Конференцияда шу алоҳида таъкидландики, фермерлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфининг барпо этилишида, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Қарши туманидаги "Жаҳонгир ота", Косон туманидаги "Шермат Саидов", Қамаши туманидаги "Ашур ота", Косон туманидаги "Сабр ўғли Мустафо" фермер хўжаликлари шундай масъулиятли вазифани уддалай оладиган илғорлардан саналади. Бироқ вилоятда ер, сувдан самарали фойдаланмаётган қишлоқ мулкдорлари ҳам йўқ эмас. Ери-ерига туташ, бир ариқдан сув оладиган фермерларнинг бирида ҳосилдорлик юқори бўлса, иккинчисида эса бунинг акси. Ўғит, ёнилғи, банк муассасаси хизматидан бир хил фойдаланса-да, уларда ҳосилдорлик ошмаяпти. Албатта, бу ҳол жойлардаги фермерлар уюшмасининг сусткашлиги, жамоатчилик назоратининг бўшашиб кетганлигидан далолат беради. Янги ташкил этилаётган кенгашлар фермерларнинг имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

– Қишлоқда ободончилик, эл фаровонлиги йўлида ҳам кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз керак, – дейди Нишон туманидан фермер Шуҳрат Умаров. – Бу жараёнда кенгашнинг бизга катта мадади бўлади. Ўйлайманки, кенгаш бизнинг ҳақиқий маслаҳатгўйимиз бўлиб қолади.

– Айни пайтда қишлоғимизда маиший хизмат мажмуини барпо этаяпмиз, – дейди Касби туманидан фермер Ғайрат Ражабов. – У кийимларни кимёвий усулда тозалаш, тикувчилик, савдо дўкони, гўзаллик салони каби 10 га яқин хизмат турларини ўз ичига олади. Натижада 40 та иш ўрни яратилади. Фермерлар кенгашининг вазифаларидан бири – бизнинг истиқболли лойиҳаларимизни қўллаб-қувватлаш экан, демакки, фаолиятимизда янада ривожланиш бўлиши аниқ.

Вилоят Фермерлари кенгашининг ташкилий конференциясида Кенгаш аъзолари сайланди ва устави тасдиқланди. Вилоят Фермерлар кенгашининг раиси этиб Миришкор туманидаги "Сафар ота" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Сафаров сайланди.

Конференция қатнашчилари учун вилоят фермер хўжаликларида етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Қашқадарё вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида вилоят ҳокими Т.Жўраев сўзга чиқди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ** ҳокимлиги мажлислар залида вилоят Фермерлар кенгашининг ташкилий конференцияси бўлиб ўтди. Унда 83 та фермер иштирок этди.

Бугунги фермер ҳам ҳосилот, ҳам иқтисодчи, ҳам замон ўзгаришларини теран англайдиган, энг асосийси, зиммасидаги масъулиятни тўғри ҳис этадиган тадбиркор ва ташкилотчи бўлмоғи керак. Олдин фаолият олиб борган фермер хўжаликлари уюшмалари фермерларда шундай салоҳиятни тарбиялаш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўяётгани, аниқроғи, замон талабидан орқада қолаётгани аниқ-тиниқ сезилиб қолганди. Фермер хўжаликлари уюшмаларининг тугатилиб, Фермерлар кенгашларининг ташкил этилаётганлиги соҳада янгилик ва самарали усулларни қўллаб, фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларнинг яқин кўмакчисига айланиб қолишига шубҳа йўқ.

– Президентимиз Фармони асосида Фермерлар кенгашининг ташкил этилаётгани фан янгиликлари, янги техника воситаларидан янада самарали фойдаланишимизга қулай имкониятлар яратади, – дейди Сайхунобод туманидаги "Қаҳрамон-Зилола" фермер хўжалиги раҳбари Тўтинисо Рўзимбоева. – Хўжалигимизда ғалла ва ғўзани суғоришда магнит усулидан самарали фойдаланаётганлигимиз туфайли ҳосилдорлик йилдан-йилга ўсиб, хўжалигимизда иқтисодий самарадорлик ошяпти. Жорий йилда шу усул қўлланган 49 гектар ғалла майдонининг гектаридан 70 центнердан дон, 64 гектар пахта майдонининг гектаридан 40 центнердан юқори навли хомашё йиғиштириб олдик. Ғалладан бўшаган майдонларнинг маълум қисмига кечки сабзавот экиб, 80 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Ташкил этилаётган кенгашнинг консалтинг ва кооперация хизматларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ишимизда янгидан-янги тажрибалар ҳамда илғор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш имконини беради.

– Фермер хўжалигимиз чорвачилик, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, – дейди Ховос туманидаги "Одил Али" фермер хўжалиги раҳбари Абдурасул Одилов. – Ихтиёримизда 100 бош қорамол бор. Ўтган йили Украина давлатидан 20 бош зотли мол олиб келдик. Хитой давлатидан сутни қайта ишлаш миницехини келтириб, ишга туширдик. Ҳозирги кунда 7 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Янги ташкил этилаётган кенгашнинг қўшимча тармоқларни ривожлантиришимизда кўмакдош бўлиши хўжалигимиз бундан ҳам барқарор ривож топишига олиб келади.

Сирдарё вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида кенгаш аъзолари сайланиб, унинг устави тасдиқланди. Вилоят Фермерлар кенгашининг раислигига Сирдарё туманидаги "Шодлик" фермер хўжалиги раҳбари Ботир Мирзақулов сайланди.

Сирдарё вилояти Фермерлар кенгашининг ташкилий конференциясида вилоят ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Боши 1-саҳифада)

Асосий Қонунимизда давлат тили ўзбек тили деб белгиланиб, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши кафолатланган. Фуқароларнинг аҳиллиги, умуминсоний қадриятларга ихлос каби яхши сифатлар ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлигига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсоннинг эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган. Қомусимиз 128 моддадан иборат бўлиб, унинг 30 дан ортиқ моддаси бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принципиал қоидаларини ўзида мужассамлаштириб, унда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиши қайд этилган.

Конституцияда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши таъкидланиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши кафолатланган. Бу эса хусусий мулкнинг ривожланишида, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда муҳим омил бўлмоқда.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги Асосий Қонунимизда кафолатланган. Ушбу конституциявий тамойиллар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида" каби қонунларда ўз ифодасини топган.

Оилада аҳиллик бўлса, юртда ҳамжиҳатлик қарор топади. Оилада илм-зиё, маънавий-ахлоқий масалалар тўғри йўлга қўйилса, жамиятда комиллик бўлади. Оиланинг иқтисоди мустаҳкам бўлса, мамлакатда фаровонлик устувор бўлади. Оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мустаҳкамлиги, мамлакатнинг умумий ривожига беқиёс таъсир кўрсатади. Конституциянинг XIV боби оилага бағишланиб, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қабул қилинганлиги, 1998 йил "Оила йили", 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги жамиятимизда оилага юксак эътибор берилаётганлигининг яққол исботидир.

Конституциямизда давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи (44-модда) кафолатланган.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самараси "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан яқинда ўтказилган сўров натижаларида ҳам яққол кўзга ташланди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ва давлат ташкилотлари фаолиятининг мунтазам такомиллаштирилиши фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини турли таҳдидлардан ҳимоялаш кафолатини таъминлашга хизмат қилади. Мамлакатимиз аҳолиси таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ёрдам олиш, меҳнати, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланаётганини ҳам юқори баҳолайди. Конституциямизнинг 41-42-моддаларида таълим, илм-фан борасидаги давлат кафолатлари натижаси сифатида таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллади.

Агар мустақилликдан аввал хусусий мулк деган тушунчани тасаввуримизга келтиролмаган бўлсак, ҳозирда Конституциянинг 53-моддасида белгиланган улкан имконият боис хусусий мулкка эгалик қилиш, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Шуни айтиш кифояки, илгари Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида Асосий Қонун бўлиб хизмат қилмоқда.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи.*

Хоразм Вилояти

**Миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни, энг яхши анъаналаримизни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларимиз маънавиятини миллий ғоя асосида шакллантириш борасидаги ишларни кенг ёйиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловлари ўтказилиб келинаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.**

## РАҒБАТ ЭЗГУ ИШЛАРГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

Бу жараёнда "Мустаҳкам оила йили"да баркамол авлодни тарбиялашда "Оила — маҳалла — таълим муассасалари" ўртасидаги ҳамкорлик, тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг йўлга қўйилиши, жиноятчиликнинг олдини олиш, ободонлаштириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга муносиб баҳо берилди. Кўрик-танловнинг вилоят босқичида Хонқа тумани Мадир қишлоғидаги Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Боғот тумани Маданият қишлоғидаги Оқ олтин маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи, Гурлан тумани Олға қишлоғидаги Жалойир маҳалла фуқаролар йиғини эса учинчи ўринга муносиб деб топилди.

— Биз келгусида ободонлаштириш, оилавий бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ерларидан унумли фойдаланиш каби масалаларга эътиборни янада кучайтирамиз, — дейди Дўстлик маҳалласи оқсоқоли Раҳимбой Латипов.

Ғолибларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви ва ҳамкор ташкилотларнинг дипломлари, қимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбир иштирокчилари оилавий бизнес асосида фаолият юритаётган ҳунармандлар кўргазмаси билан танишдилар.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ЭЛ ОЛҚИШИНИ ОЛАЁТГАНЛАР

**Шаҳзода Хўжаева Мирзачўл тумани марказидаги "Гагарин маъданли суви" сиҳатгоҳининг бош шифокори. Асли андижонлик бу аёлнинг чўлга келганига 40 йилдан ошди. Андижон Давлат тиббиёт институтини битказиб, туманга ишга келган ёш шифокор чўл шароитида ишлашнинг катта қийинчиликларига қарамай, руҳан бардамлик ва келажакка ишонч билан меҳнат қилди. Институтда олган билимларини ҳаётга татбиқ этиб, ўзини кўрсата олди. Дастлаб оддий даволовчи шифокор, кейинчалик эса, марказий шифохонанинг гинекология бўлими раҳбари вазифаларида ишлади.**

...Радиода қўшиқ бошланди. Ижрочининг салобатли таниш овози эътиборимни тортди. "Пешонангга ёзганидан айрилма, ёр..." Негадир беихтиёр Шаҳзода опага қарадим. У ҳам қўшиқ бошланишидаёқ ўзга хаёллардан фикрини жамлаб, таронани тинглаётган ва менга эътибор бериб турган экан шекилли, мийиғида кулди. Бир-биримизни сўзсиз тушунган эдик.

Ҳа, Шаҳзода опа пешонасига ёзганидан айрилмаслик учун гўзал Андижонидан чўлга келганди. Туманнинг ҳозирги таниқли шифокорларидан бири Жавлон Жўраев билан олти йил институтда бирга ўқиб, унга кўнгил қўйган эди ва у Шаҳзода опанинг пешонасига ёзилган яқини бўлиб қолди. Мана, қирқ йилдирки, бирга яшаб, бирга ишлашади. Бирgaликда оқил ўғил-қизлар тарбиялашди.

Сиҳатгоҳда ошқозон-ичак, жигар, буйрак, ҳаракат-таянч ва бошқа хасталиклар ер остидан 70 даража табиий иссиқликда чиқаётган маъданли сув ҳамда Балиқли кўлининг турли моддаларга бой шифобахш балчиғи билан даволанади. Кейинги пайтларда асаб ва юрак хасталикларини даволаш ҳам йўлга қўйилиб, ижобий натижаларга эришилаётир.

— "Гагарин маъданли суви" сиҳатгоҳи ўзининг маъданли обиҳаёти, балчиғи, электрли даволаш усуллари билангина эмас, шифокорлари ва ҳамшира қизларининг ширинсўзлиги, хизматларга доимо шайлиги, беморларга юксак эътибори билан ҳам ниҳоятда шифобахш, — дейди бахмаллик онахон З.Халилова. — Бел ва оёқ оғриқларим билан бир неча йил турли шифохона ҳамда сиҳатгоҳларда даволандим. Даволаниб қайтгач, ўзимни вақтинча соғайгандай ҳис этсам-да, кейинчалик яна безовта бўлаверардим. Ушбу сиҳатгоҳда икки марта муолажалар олгач, нафақат бу оғриқлардан халос бўлдим, балки асаб, ошқозон-жигар фаолиятимда ҳам яхши ўзгаришлар ҳис эта бошладим. Шаҳзодахоннинг муолажаларни тўғри тайинлаши ва Жавлон Жўраевнинг хитой усулидаги игна терапияси шундай ижобий натижа берди.



*Шаҳзода Хўжаева (ўнгда) сиҳатгоҳ бош ҳамшираси Анора Анолбоева билан навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.*

Айни пайтда сиҳатгоҳда даволанаётган ҳар бир бемор шу каби илиқ, самимий миннатдорчилик гапларини айтишади. Бунга сиҳатгоҳнинг "Ташрифлар ва таклифлар" китобини ўқиб ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

**Малика ҚУЛМАТОВА**

Наманган Вилояти

# ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Республика пахтачилик илмий-тадқиқот институти Наманган вилояти филиалининг умумий ер майдони 161 гектарни ташкил этади. Бу ерда пахта, бошоқли дон, мевали ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш йўлга қўйилган. Жорий йилда мавжуд пахта майдонининг гектаридан ўрта ҳисобда 34,5 центнердан ҳосил олиниб, давлат эҳтиёжи учун 335 тонна сифатли саноат хомашёси етказиб берилди. Шунингдек, 240 тоннадан ортиқ ғалла етиштирилиб, бу борадаги кўрсаткич ҳам ортиғи билан уддаланди.**

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларининг бошқа турларидан ҳам мўл-кўл хирмон кўтарилди. Бу борада биология фанлари номзоди Нўъмонжон Нуриддинов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳусниддин Болтабоев, хўжаликнинг миришкор сувчиларидан Абдулбори Отабоев, Маҳмуджон Мадумаров, Муҳаммаджон Воҳидов, механизаторлардан Содиқжон Бозоров, Камолиддин Раҳимов, Алижон Ҳомидов, хўжалик аъзоларидан Ортиқжон Раззоқова, Замира Солиева, Саломат Ҳомидова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Бободеҳқонлар орасида "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда", деган ҳикматли сўз юради, — дейди хўжалик раҳбари Фазлиддин Фаёзов. — Хўжалик аъзолари ана шу иборага амал қилиб, кузда шудгорланадиган 96,5 гектар экин майдонининг қарийб 70 фоизини ҳайдаб бўлишди. Шудгорлаш ишларига "Ибрат" муқобил машина трактор паркидан Баҳодир Шомирзаев раҳбарлигидаги 5-отряд аъзолари ҳам жалб этилди. Шудгорлаш ишларида гектарига 200 килограммдан суперфосфат минерал ўғити сепилиб,



ер икки ярусли омоч билан ҳайдалмоқда.

— Йигирма саккиз йилдан буён далада меҳнат қиламан, — дейди механизатор Тўлқинжон Мингбоев. — Узоқ йиллик тажрибадан маълумки, ҳар қандай ерни ўз вақтида шудгорлаш, бу муҳим агротехник тадбирни фақат икки ярусли омоч билан амалга ошириш, деҳқончилик ишларига катта фойда келтиради. Икки ярусли омочнинг афзаллик томонларидан бири экин майдонида пайдо бўлган ёввойи ўт-ўланларнинг уруғларини илдизи билан тупроқ остига ташлаб кетади. Тупроқ остида қолган ўсимлик илдизлари эса чириб, фойдали ўғитга айланади.

Дарвоқе, бу ерда пахтанинг 15 туридан ортиқ нави экилиб, синов тариқасида тажрибадан ўтказилади.

— Президентимиз биз селекционер олимларга улкан ва масъулиятли вазифаларни ишониб топширмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳусниддин Болтабоев. — Бу эса бизнинг ўз ишимизга масъулият билан ёндашишга ундайди. Илмий тажриба хўжалигимизнинг ер майдонларига таққослаш учун ғўзанинг "С-65-24" ҳамда "Наманган-77" навлари экилади. Қарийб уч гектар майдонга эса ғўзанинг "Омад", "ЎзПИТИ-1001", "Ан-Боёвут-2", "Андижон-35", "Ўнқўрғон-2", "Бухоро-102", "Тўрақўрғон-4" ва ҳоказо навлари жойлаштирилади. Илмий изланишлар натижасида "Тўрақўрғон-4" нави ўзининг серҳосиллиги, эртапишарлиги, сувсизликка чидамлилиги, тўртинчи тип тола бериши, ҳар бир чаноқдаги пахтанинг ўртача вазни 5-6 грамм тош босиши билан кўпчилик соҳа мутахассисларининг эътиборига тушди. Хулоса қилиб айтганда, Республика пахтачилик илмий-тадқиқот институти Наманган вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган илмий ва амалий ишлар келгусида юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожида ўзининг ижобий самарасини беради.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

